

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Давлат тест маркази Илмий-методик
кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги
йиғилиши 4-сон баёни қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Давлат тест марказининг
2017 йил 6 январдаги
01-08-сонли буйруғи билан

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН “ТЕСТ СИНОВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ДТМ РАСМИЙ ВЕБ-САЙТИ ОРҚАЛИ ТАҚДИМ ЭТИШ” ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

1. ХИЗМАТ ТАВСИФИ (ПАСПОРТ)

1.1. Хизмат номи

Тест синовлари натижалари тўғрисидаги маълумотларни Давлат тест маркази расмий веб-сайти орқали тақдим этиш.

1.2. Хизмат натижаси

Тест синовлари натижасидан хабардор бўлиш. Жумладан, ҳар бир фан бўйича олган бали, талабалikka давлат гранти ёки тўлов шартнома асосида тавсия этилиши (тавсия этилмаслиги) каби ахборотларга эга бўлиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
Тошкент ш., Боғишамол кўч., 12
E-mail: info@dtm.uz
Веб-сайт: www.dtm.uz

1.4. Ҳуқуқий асослари

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 8 июлда 2242-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилишда тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар.

1.6. Сўровнома берилиш муддати

Тест синовлари натижалари эълон қилингандан сўнг икки ой муддат ичида. Бунда маълумот жавоблар варақаси рақами тўғри киритилганда тақдим этилади.

1.7. Ижро муддати

Маълумотлардан фойдаланиш суткада 24 соат мобайнида Интернет тармоғи орқали таъминланади.

1.8. Хужжатларни тақдим этиш муддати

Хизматдан фойдаланиш учун хужжат тақдим қилиш талаб қилинмайди.

2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ

2.1. Кенг доирада маълумот берилиши

ДТМ томонидан тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тегишли тадбирлар ўтказилади. Бу тадбирлар тўғрисида расмий веб сайтда ахборот тақдим этиб борилади.

2.2. Сўровнома бўйича маълумот берилиши

Мурожаат усуллари:

ДТМ нинг расмий веб-сайти;

веб-сайтга суткада 24 соат давомида узлуксиз ишлаши таъминланади.

2.3. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

ДТМ расмий веб-сайти.

ДТМ қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 12-уй, телефон: (0 371) 200-19-14. Мўлжал: метро “Бодомзор” бекати.

2.4. Фойдаланиладиган бланк (шакл)лар

Бланклар тўлдириш кўзда тутилмаган.

3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

3.1. Иш вақти

Маълумотлардан фойдаланиш суткада 24 соат мобайнида Интернет тармоғи орқали таъминланади.

3.2. Кутиш шарти

Интернет тармоғи орқали кутиш шартлари кўзда тутилмаган.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБ – ТАОМИЛИ

4.1. Талаб қилинадиган ҳужжатлар

Хизматдан фойдаланиш учун ҳужжат талаб қилинмайди.

4.2. Хизмат кўрсатиш қиймати

Давлат хизмати бепул тақдим этилади.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

Расмий веб-сайтларининг навигацион менюлари орқали.

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички – идоравий босқичлари

Веб-сайтлар орқали хизматдан фойдаланиш тўлиқ автоматлаштирилган ҳамда ички идоравий тартиблар кўзда тутилмаган.

4.5. Рад этиш асослари

Хизмат кўрсатишни рад этиш кўзда тутилмаган.

5. СИФАТ ТАЪМИНОТИ

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Хизматдан фойдаланувчиларнинг ва расмий веб сайтга ташриф буюрувчиларнинг

сонига қараб аниқланади.

5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизмат учун шикоят

Хизматдан фойдаланувчилар хизмат кўрсатилиши юзасидан шикоятларини (0-371)2355713 телефон рақами орқали ДТМ нинг “Ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш” бўлимига мурожаат қилиниши мумкин.